

САИД РИЗО АЛИЗОДАНИНГ САМАРҚАНД ЖАДИДЧИЛИГИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

У. Назаров

СамДЧТИ тютори

Аннотация. Мазкур мақолада Саид Ризо Ализоданинг Самарқанд жадиidlари сафида Туркистон маърифига қўшган ҳиссаси ижтимоий-фалсафий таҳлил эилган.

Калит сўзлар: Жаид, маърифатпапвар, қоқоқлик, дин, таълим, мафкура.

Аннотация. В данной статье анализируется социально-философский анализ вклада Саида Реза Ализода в просвещение Туркестана среди самаркандских джаидов.

Ключевые слова: джаиды, просвещение, отсталость, религия, образование, идеология.

Annotation. V dannoy state analiziruetsya sotsialno-philosofskih analiz vkladа Saida Rezy Alizoda v prosveshchenie Turkestana sredi samarkandskikh djadidov.

Key words: djadidy, enlightenment, backwardness, religion, education, ideology.

Жаид маърифатпапварлиги, моҳият эътиборига кўра, миллий маориф тизимини тубдан ислоҳ этишдан бошланган бўлса-да, мазкур даврда юзага келган ҳар бир ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий ўзгаришлар силсиласи жаидлар таъсири доирасида бўлган. Тўла ишонч билан айтиш мумкин, усули жаид мактаблари очиш заминида ҳам сиёсий масала - истиқлол, миллатни мустамлака зулмидан озод қилиш, Туркистон аҳолисини тараққий топган, фаровон миллатлар қаторида кўриш ғояси билан чамбарчас боғлиқ эди. Шуни ҳам унутмаслик керакки, шўролар даврида жамиятшунос олимлар томонидан бу оқим фаолияти энг кўп ноилмий талқин қилинган, уларнинг кўплаб намояндалари, раҳбарлари фаолиятини ўрганиш ман этилган давр ҳам мана шу вақтга тўғри келади.

Умуман олганда, Туркистонни умумий қоқоқликдан чиқариш йўлидаги энг катта тўсиқ бўлган эскича ўқитиш усулини таълимнинг европача ўқитиш тартибига асосланган янгича усул билан алмаштириш ва бусиз маърифий юксалишга эришиш мумкин эмаслиги масалалари жаид маърифатпарварларининг бош ғояси бўлган. “Ислоҳни нимадан бошларга” сарлавҳали мақола муаллифи: “Мен оврупа халқининг бу даражада тараққий ва толеларининг биринчи сабабини ва бош сабабини кўп ахтардим. Лекин ибтидоий тарбияларининг мукамаллигидан бошқа сабаб топа олмадим. Ва, бинобарин ислоҳотимизни мактаб ибтидоларимиздан бошламоқ даркор деб ҳисоблайман”¹, деб ёзади ва Туркистондаги мактаб-мадрасаларда амал

¹ Мухторов Ш. Ислоҳни нимадан бошларга // Садои Фаргона. 1914 йил 3 апрель.

қилинаётган ўқитиш тартибини замон талабларига жавоб бера олмаслигини, турмушдан орқада қолганлигини шундай тушунтиради: “мадраса талабаларига тарихи миллият ва ҳисоб ўқитмоқ одати бизда ўлда-жўлда ёки асло йўқ. Жўғрофия ва риёзатга сайр қилувчи дарсларни албатта мударрисларимиз ўқимайдилар, шогирдларига ўқитмайдилар. Демак, бизнинг мадраса шогирдларимиз ниҳоятда паст қадам бўлиб қолмоқдалар”².

Жадидларнинг маърифатпарварлик мафкураси ижтимоий жиҳатдан анча бой ва ранг-баранг бўлган. Унда ҳозирги кунимизда ҳам жамиятни тўлқинлантирадиган, ҳаяжонга соладиган тарихий вазифа ва масалалар қаторига биз маънавий баркамолликка етишда динни тўғри англаб тушуниб етишимиз, ҳуқуқий ва иқтисодий бозор маконини ташкил қилиш жараёнини тезлаштириш, тараққий этган илғор демократик институтларни бунёд қилиш, ўзига хос миллий ривожланишларни киритишимиз мумкин. Бу масалаларни ҳал этиб амалга оширишда муҳим омил сифатида исломнинг модернизациялашуви, уни қотиб қолган ақидалардан тозалаш, фан ва илғор технология ютуқларини эгаллаб бориш муаммолари майдонга чиқади.

Бу даврда маорифдаги бу уткир муаммони ўз вақтида англаб етган Сайид Ризо жуда кўплаб газета ва журналларда мақолалар эълон қилиб боради. Шундай мақолардан бирини ўқиймиз “Ҳамма бадбахтлик ва разолат, қашшоқлигу разолат биз Туркистонликларни қоплаб олиши сабаби замона мадрасаларининг удуми ва мактабларнинг ситаму фақирлигидадур”³ деб ёзади Сайид Ризо Ализода 1913 йил “Ойна” журналининг 15 ноябр 3-сонидан у киши “Мактаб ва мадраса ислоҳоти бизга зарур” номли мақоласида “Ҳамма басират арбобларга ошкор ва возеъдирким, ҳар бир миллат, ҳар бир тоифанинг равнақи мактаб сиёсатининг равнақи ва сиёсатига боғлиқдир. Самарқанд ва унинг атрофида 150 минг ортиқ нуфўзи бўлиб, мусулмонлардан қанча тожир, судгар қанча мағозачи, контрчи бор? Қаерда духтир, муаллим, муҳандис ва муншийдирки бизга сув ва ҳаводай зарурдир”⁴. Самарқандда уша даврда қанча иш ўрнига эҳтиёж борлиги аниқ сонлар билан маълум қилмоқда ва қайси касблар учунлигини ҳам билиб олишимиз мумкин. Уша давр муҳим ижтимоий муаммоларни кўрсатиб берган. Сайид Ризо Ализоданинг орзуси барча тараққийпарвар жадидлар каби Туркистонни озод ва хур замонавий Оврупа давлатлари қаторида кўриш эди. Бу мақсад йўлида у қўлидан келган барча ишларни қилишга ҳаракат қилди. Буни биз унинг қуйидаги фикрлари орқали билиб олишимиз мумкин. “Йиллар бўлибдики, соир мамлакатлар мусулмонлар илм даражаси, мактаб ва мадрасалар фаолиятини билиб, ҳар шаҳарда жадид мактаб очиб, унинг такомилга ҳаракат қилмоқдалар. Аммо биз Туркистон мусулмонлари наинки жадид мактаб ва мадраса очмаяпмиз. Балки уларни ҳалигача бидат ва ҳаром санаяпмиз. Билмайман биз Туркистон мусулмонларга нима бўлди? Эй

² Мухторов Ш. Ислоҳни нимадан бошларга // Садои Фаргона. 1914 йил 3 апрель.

³ Ғ.Ҳ. Раҳимов “Саид Ризо Ализода абадияти” .–Т. “Шарқ”. 2017 й. 4-5 бет.

⁴ Ғ.Ҳ. Раҳимов “Саид Ризо Ализода абадияти” .–Т. “Шарқ”. 2017 й. 6-бет.

Туркистонлик биродарлар! Эй азиз юртдошлар! Гафлат қачонгача! Жаҳолат қачонгача? ” Ушбу фикрлардан кўриниб турибдики Ализода нақадар қалами ўткир ижодкор эканлиги ва ўз даври учун долзарб муаммоларни нақадар очиқлик ва аниқ ва равшан ёндашганини кўрсатиб турибди . Бу каби фикрлар табиийки уша давр чор ҳукумати ва кейинчалик ташкил топган совет давлати ҳам уни ўзининг асосий душмани сифатида кўриб келди. Бунга унинг 14 тилни бемалол гаплашиши ва бемалол мулоқот қилиши ва уша давлатлар билан бемалол фикр алмашилиши уларнинг газета ва журналларида оташин мақолалар чоп қилиши ортидан Туркия, Ҳиндистон, Эрон , Қрим каби худудларда уни зур эҳтиром ва ҳурмат қилишарди. Саид Ризо Ализода уларнинг матбуотида ҳам тез-тез ўзининг мақоларни эълон қилиб туриши советларни ташвишлантирар эди. Қолаверса Саид Ризо Ализода Туркистон жадиждлар билан жуда яхши алоқаларга эга эди. Бу эса табиий равишда советларга ёқмас эди. Саид Ризо Ализода давр нотинчликларга қарамасдан ҳақиқатни мавжуд тузум кирдикорларни очиб ташлайди . Буни биз “Зарафшон ” газетаси 1924 йил “Мен суддан кўркмайман ” мақоласини ўқиймиз “Зарафшон газетасининг 111-сонида “Орлиқ ва туппонча”⁵ сарлавҳаси остида ёзилгон бир хабардан Боғишамолнинг баъзи ёшқумлар ҳаёжонга тушуб, хабар ёзгувчининг ким эканлигини билиб судга бермақчи эканлар. Шунинг учун “Ўгутчи” имзоси билан ушбу хабарни ёзгон одамнинг уларга маълум бўлиши керак экан. Мен эса уларнинг меҳнатини озайтириш учун (яъни суд воситаси билан газета идорасидан ушбу хабарни ёзгон одамнинг ким эканлигини билиш учун ташвиш тортмасунлар деб) ўзимни билдириб маҳкама (суд) курсида бул ҳақ сўзларим учун ўлтиришни , ҳатто маҳкама менинг зараримга ҳукм қилғонда неча кун ҳибсда ётишни ўзим учун фахр ва ифтихор санайман. Чиқинг майдонга мен суддан кўркмайман !” деб ёзади . Бу ўз даври муқаррар исён эди.

Хулоса қилиб айтганда, Саид Ризо Ализода мамлакатни ривожлантириш, уни дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторида кўриш учун, энг аввало, ёшларни илм-маърифатли қилишга киришган. У ёшлар тарбиясида диний ва дунёвий билимларни бир – биридан ажратмасдан, миллий ўзликни сақлаган ҳолда замонавийликка эришишга ҳаракат қилган.

Адабиётлар

1. Мухторов Ш. Ислоҳни нимадан бошларга // Садои Фаргона. 1914 йил 3 апрель.
2. Мухторов Ш. Ислоҳни нимадан бошларга // Садои Фаргона. 1914 йил 3 апрель.
3. Ғ.Ҳ. Раҳимов “Саид Ризо Ализода абадияти” .–Т. “Шарқ”. 2017 й. 4-5 бет.
4. С. Ализода. “Мен суддан кўркмайман”, “Зарафшон” газетаси.–1924 й. 146-сон.

⁵ С. Ализода. “Мен суддан кўркмайман”, “Зарафшон” газетаси.–1924 й. 146-сон.

5. Saydulloevich, Ulugmurodov Elyor. "ISLAMIC CULTURE: THE ESSENCE AND WAYS TO IMPROVE IT." *Academicia Globe: Inderscience Research* 3.03 (2022): 208-212.
6. Улугмуродов, Элёр Сайдуллоевич. "ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ЦЕННОСТЕЙ ИСЛАМА В ФОРМИРОВАНИИ ЭСТЕТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ." *ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ПОЛИТОЛОГИЯ, СОЦИОЛОГИЯ, ФИЛОСОФИЯ, ИСТОРИЯ*. 2020.
7. Улуғмуродов, Элёр Сайдуллоевич. "Диний қадриятлар ва тасвирий санъат интеграциясининг ёшлар эстетик тафаккурига таъсири." *Oriental Art and Culture* II (2020): 52-59.